

«Uzkimyosanoat» AJ

«Ammofos-Maxam» Aksiyadorlik jamiyati



2022-YIL BIZNES-REJA LOYIHASI



Aksiyadorlik jamiyati

Hujjat kodi

БП

Tahrir

1

Amal qilish muddati

01.01.2022

dan 31.12.2022 gacha

Мундарижа

	Умумий маълумотлар	3
1	Корхона таркиби ва вазифалари	4
1.1	Умумий маълумотлар	4
1.2	Корхона фаолиятининг асосий йўналишлари	4
1.3	Корхона тарихи	5
1.4	Корхонанинг ишлаб чиқариш куввати	6
1.5	Корхона маҳсулотлари	6
1.6	Корхона структураси (ташкилий тузилиши)	6
1.7	Маҳсулот реализацияси (сотиш бозори)	7
2	Корхона фаолиятининг 2021 йил учун якуний кўрсаткичлари	8
2.1	Ишлаб чиқариш ва техник кўрсаткичлар	8
2.2	Минерал ўғитлар бозорининг таркибий қисмлари	9
2.3	Маҳсулот баҳосини белгилаш	10
2.4	Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар	10
2.5	Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш	10
2.6	Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш	11
	2022 йил прогноз кўрсаткичлари	12
3	3.1 Ишлаб чиқариш ва техник кўрсаткичлар	12
3.2	Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар прогнози	12
3.3	Тайёр маҳсулот тақсимланиши ва реализацияси	12
3.4	Ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	13
3.5	Маҳсулот нархини белгилаш	13
3.6	2022 йид прогноз кўрсаткичларини таъминлаш учун корхонанинг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжи тўғрисида маълумот	14
3.7	Кадрлар тайёрлаш	14
4	Янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мавжуд ишлаб чиқаришни модернизация қилиш	15
4.1	Инвестиция проектлари тўғрисида маълумот	15
4.2	Маҳсулотларни маҳаллийлаштириш дастури	16
4.3	Жамиятнинг бошқа корхоналар билан биргаликдаги инновацион фаолияти	16
4.4	Рационализация ва ихтирочилик	16

Умумий қоидалар

«Аммофос-Максам» Акциядорлик жамияти (матн бўйича кейинги ўринларда - **Корхона**) минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, корхонада уч босқичда концентратланган азот- фосфорли ўғит - аммофос ишлаб чиқариш қувватлари яратилган ва муддатидан олдин ишга туширилган.

Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан Ўзбекистоннинг барча тармокларида сифат менежменти тизимини, экологик хавфсизлик тизимини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни саклаш тизимини жорий этиш ва такомиллаштиришга катта аҳамият берилаётгани муносабати билан (Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1731 сонли қарори) Вазирлар маҳкамасининг 2006 йил 29 августдаги 183-сонли қарори билан Республикаиздаги 90 стратегик обьектлари қаторида “Ўзқимёсаноат” АЖнинг 11 обьектидаги бошқарув сифат тизими алоҳида кўрсатилганлиги аҳамиятлидир.

Бутунжоҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш давлат программаси доирасида Республикаиздаги жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамлаш, янги бозорларда муносиб ўрин эгаллаш, обрў-эътибор қозониш ва янги мижозларга эга бўлиш мақсадида корхонада интеграциялашган сифат менежменти давлат тизими дастурининг кўлланилиши амалга оширилган.

2007 йил июнь ойида корхонамиз сифат менежменти тизими **ISO 9001: 2000** халқаро стандарти талабларига мувофиқлиги сертификатланди.

2012 йил август ойида экологик хавфсизлик тизими **ISO 14001: 2000** халқаро стандарти талабларига мувофиқлиги учун сертификатга эга бўлинди.

2013 йил май ойида учта стандарт талаблари бўйича интеграциялашган менежмент тизими жорий этилди ва сертификатланди:

- ISO 9001, O'z DSt ISO 9001 «Сифат менежменти тизими»;
- O'z DSt ISO 14001 «Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш тизими»;
- O'z DSt OHSAS 18001 «Саломатликни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш тизими».

2017 йилда **ISO 50001** ва **O'z DSt ISO 50001** - жорий этилган энергия менежменти тизими талабларига мувофиқлиги сертификатлаштириш аудити муваффакиятли якунланди.

2017 йил май ойидан буён корхонада тўртта стандарт талабларига мувофиқлик бўйича интеграциялашган менежмент тизими доимий асосда кўлланилмоқда:

- ISO 9001, O'z DSt ISO 9001 «Сифат менежменти тизими»;
- O'z DSt ISO 14001 «Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш тизими»;
- O'z DSt OHSAS 18001 «Саломатликни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш тизими».

- ISO 50001 и O'z DSt ISO 50001 «Энергетикани (энергоменеджмент) бошқариш тизими. Фойдаланиш бўйича талаб ва тавсиялар».

2019 йилда жорий энергетикани бошқариш тизимининг **ISO 9001** и **O'z DSt ISO 9001** сонли менежменти тизими талабларига мувофиқлигини қайта сертификатлаш аудити ўтказилди .

Корхонада жорий этилган сифат менежменти тизими 2007 йилдан буён Республикада аккредитациядан ўтган етакчи Германия сертификациялаш ташкилоти **TÜV International Certification (TIC)**нинг расмий ҳамкори **TÜV Thüringen e.V.** сифатида рўйхатдан ўтган - **«SERT MANAGEMENT»** компанияси томонидан сертификатланади.

Корхона узок муддатли ҳамкорликни ҳисобга олган ҳолда тўлов имтиёзларига эга.

Корхона маҳсулотлари сертификатланган, синов ва ўлчов асбоблари лабораториялари (илмий тадқиқот кимё технология лабораторияси, метрология ўлчов асбоблари лабораторияси, санитария лабораторияси, путур етказмасдан назорат усуллари лабораторияси) **ISO 17025** стандарти талабларига мувофиқлиги бўйича “Ўзстандарт”

Сифат менежменти тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида:

1 Сифат мнежментининг асосий мақсадлари ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва доимий равишда назорат қилинади.

2 Мавжуд синов-ўлчов лабораторияларини тизимли қайта жиҳозлаш “O‘zstandart” агентлигининг доимий назоратида бўлган «Синов-ўлчов лабораторияларини узоқ муддатли ривожлантириш режаси»га мувофиқ амалга оширилмоқда.

3 Корхона ходимлари амалдаги ИСО стандартларига мувофиқ тайёрланади. Менежер ва ички аудиторларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бевосита корхона ҳудудида ҳамда маҳсус ташкил қилинган курсларда режалаштирилган.

4 Сифат бўйича менежерлар ва аудиторларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низом ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона фаолиятининг барча соҳаларида доимий назорат амалга оширилади
Тузилган режа, тадбир ва дастурлар асосида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Корхона таркиби ва вазифалари

1.1 Умумий маълумотлар

Корхона тўғрисидаги тўлиқ маълумот “Олмалиқ шаҳар “Аммофос – Максам” АЖ паспорти (Корхона техник-иктисодий кўраткичлари тавсифи)га киритилган ва хар йили жорий янгиликлар билан тўлдиридиб борилади.

Статус: Акциядорлик жамияти

Банк реквизитлари – «Аммофос-Максам» АЖ,

СҚБ Олмалиқ бўлими, Олмалиқ ш.

Ҳисоб раками 20210000100130836001

МФО 01034 СТИР 200599579

Валюта хисоб раками РК 001070891 ОПУ УзСҚБ, Олмалиқ ш.

- Устав фонди - 4 939,36 млн. сўм

Корхонанинг мулкчилик шакли - Акциядорлик жамияти

Корхона коди – ОКПО 00203074 СОАТО 1727404

ОКОНХ 13112 СООГУ 08654

КФС 144 КОПФ 1150

Корхонанинг асосий мақсади фойда олишга қаратилган хўжалик фаолиятини, шу жумладан фосфорли ва бошқа минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва сотишни амалга ошириш учун ўз акциядорларининг иқтисодий манфаатларини кўзлаган ҳолда, интеллектуал салоҳиятни, моддий, номоддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни бирлаштиришдан иборат.

1.2 Корхона фаолиятининг асосий йўналишлари:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ички ва ташқи бозорда (эркин конвертация қилинадиган валютада) сотиш;
- истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларда реализация қилиш;
- улгуржи ва чакана савдо;
- ташқи иқтисодий фаолият, шу жумладан корхонада ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, унинг экспорт базасини ривожлантириш мақсадида ҳалқаро ҳамкорликнинг ҳар қандай шаклларида иштирок этиш;

- қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш тайёрлаш ва сотиш;
- корхона ходимлари ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли ҳордик чиқаришларини ташкил этиш;
- асосий мақсад билан боғлиқ бўлган бошқа қонуний фаолият билан шугулланиш.

1.3 Корхона тарихи

1969 йил 18 декабрда экстракция фосфор кислотаси (ЭФК) ва аммофос ишлаб чиқариш бўйича корхонанинг биринчи босқичи ишга туширилди. Жаҳон амалиётида биринчи марта таркибида 24,5% фосфор ангидриди (P₂O₅) бўлган Қаратов фосфоритидан донадор аммофос олиш ўзлаштирилди.

1973 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқичи, 1978 йилда учинчи босқичи ишга туширилди. 1980 йилда корхона ишлаб чиқаришининг иккинчи босқичи реконструкция қилинди.

1981 йилда сульфат кислотаси ишлаб чиқариш цехи ишга тушди. Цехнинг лойиха бўйича ишлаб чиқариш қуввати – йилига 500 минг тонна. Сульфат кислотаси ишлаб чиқариш битта технологик линияда ташкил этилган бўлиб, сульфат кислотаси олтингугуртдан иккиласми алоқа контакт натижасида оралиқ абсорбция усулида олинади. Технологик асбоб-ускуналарнинг қоникарсиз ҳолати туфайли 2017 йилда сульфат кислотаси ишлаб чиқариш цехи фаолияти тўхтатилди.

1993 йилда ёғоч толали плиталар ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди. Цехнинг ишлаб чиқариш қуввати – 500 минг м². Барча технологик ускуналар битта технологик линия сифатида жойлаштирилган. Экологик тоза толали плиталар ғўзапоя ва кенаф пояларидан, фенолформальдегид смолаларидан фойдаланмасдан тайёрланади. Маҳсулот ўрмон саноати чиқиндиларидан ишлаб чиқарилган плиталарга нисбатан сувга чидамлилиги билан ажralиб туради.

Фаолияти тўхтатилган ишлаб чиқариш обьектлари:

1986 йил – ЭФК-1 цехи;

1995 йил – Аммофос-1 цехи;

2005 йил – ЭФК-4 цехи;

2019 йил – сулфат кислотаси ишлаб чиқариш цехи.

Айни пайтда корхона таркибида иккита минерал ўғитлар ишлаб чиқариш цехи, иккита экстракцион фосфор кислотаси ишлаб чиқариш цехи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи ва бир қатор ёрдамчи цехлар фаолият кўрсатмоқда.

1992 йил февраль ойида Олмалиқ химия заводи Олмалиқ “Аммофос” ишлаб чиқариш бирлашмасига, 2001 йил август ойидан «Аммофос» очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди.

2008 йилда, «Аммофос» ОАЖнинг хукукий ворислиги сакланган ҳолда корхонанинг 49 % акцияси «MAXAM International S.L.U» хорижий компаниясига сотилиши муносабати билан «Аммофос-Максам» ОАЖ сифатида рўйхатдан ўтказилди, ва бу ҳақда Тошкент вилояти Ҳокимиятига қарашли Адлия вазирлигининг № 322 от 19.02.2009 й. сонли Гувоҳномаси мавжуд (реестрдаги №159 сонли ёзув). Корхона устав капитали 4 939,36 млн. сўм, шундан 51 % давлат улуши «Ўзкимёсаноат» АЖ ишончли бошқарувига топширилди, 49 % – тендер савдолари ташкил қилингандан сўнг, хорижий инвесторга тегишли, 2014 йил октябрдан корхона «Аммофос-Максам» акциядорлик жамиятига айлантирилди.

1.4 Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати:

- 217,5 минг тонна 100 % P₂O₅ фосфорли ўғитлар;

- 51,3 минг тонна 100 % азотли ўғитлар.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот Ўзбекистон Республикасида ва ташқи бозорда (экспортга) реализация қилиниши кўзда тутилган.

1.5 Корхона маҳсулотлари

Ўтган йиллар давомида корхонанинг ишлаб чиқариш таркибида катта ўзгаришлар рўй берди. Янги ва такомиллаштирилган маҳсулотлар турлари ортди.

Лойиха бўйича корхона бир турдаги маҳсулот – аммофос (ҳар хил тупроқларда, барча экин турлари учун ишлатиладиган, юқори концентрацияли ва сувда тез эрийдиган азот-фосфорли ўғит) ишлаб чиқариш, факат бир турдаги хомашё – Қоратов фосфорит унидан ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди.

Корхона колективи томонидан маҳаллий хомашёни хисобга олган ҳолда маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда ассортиментни кенгайтириш борасида доимий мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. **2001** йилда маҳаллий хомашё – Қоракум фосфоритидан минерал ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилди; **2009** йилда 400 минг тонна ювилган куйдирилган термоконцентрат, 80 минг тонна ювиб қуритилган концентрат қайта ишланди.

Корхонада олиб борилган ишлар натижасида озукавий компонентларнинг мувозанатли таркиби сақланган ҳамда ресурсларни тежовчи минерал ўғитлар ишлаб чиқариш технологиялари муваффақиятли ишламоқда.

Хозирги кунда корхонада товар маҳсулотларининг куйидаги турлари ишлаб чиқарилиши йўлга кўйилган:

«Аммофос»;
«Супрефос-NS»;
«Суперфосфат»;
«Озукавий фосфат аммоний»;
«PS-Агро»;
«МАФ-А»;
«Фоскацид».

Корхона мутахассислари Ўзбекистон Республикаси худудида куйидаги маҳсулот турларини олиш бўйича доимий маҳсус патентга эга :

«Аммофос»;
«Моноаммонийфосфат – МАФ-А»;
«Сульфат аммоний»;
«Аммоний сульфатфосфат»;
«Озуқавий фосфат аммоний»;
«Ёғоч толали плита»;
«Супрефос-NS»;
«PS-Агро».

1.6 Корхонанинг ташкилий тузилиши

Корхона тузилмаси ўз таркибида асосий ишлаб чиқариш цехлари, ёрдамчи бўлинмалар ва цехлар ҳамда бошқарув аппаратини бирлаштиради. Корхона тузилмаси мустакил хужжат бўлиб, уни ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш, ва тасдиқлаш зарурат юзага келгандағина амалга оширилади. Организограмма тақдим этилган.

1.7 Маҳсулот сотиш бозори

«Аммофос-Максам» АЖ кимёвий ўғит ишлаб чиқариш бўйича республика бўйича йирик корхоналардан бири бўлиб, ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда реализация қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ички истеъмол бозори

Ички истеъмол бозори асосан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни биржса орқали сотувчи ваколатли омборларга ва тўғридан тўғри биржса орқали сотишга мўлжалланган.

Рақобат муҳити давлатнинг солик, нарх ва божхона сиёсатидаги ўзгаришлар, айланма ҳажми, сотишдан олинган фойда, реализация қилиш тезлиги шунингдек сотишга таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинади. Корхонада маҳсулот сифатини ошириш, ассортиментини кейгайтириш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талаб ва реализация бозорларини кенгайтириш истиқболларини ўрганиш учун маркетинг тадқиқотлари амалга оширилади. Минерал ўғитлар «Фермер Пресс», «Қишлоқ хаёти» каби босма ахборот нашрларида реклама қилинади, реклама маълумотлари яна Ўзбекистон саноат маҳсулотлари каталогига ҳам жойлаштирилади.

Корхона мутахассислари маҳсулотларни реклама қилиш мақсадида республика ва хорижда ўтказиладиган ҳалқаро кўргазма ва ярмаркаларда доимий иштирок этиб келишмоқда.

«Аммофос-Максам» АЖда факат юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ва буни истеъмолчилардан шикоятлар йўқлиги билан тасдиқлаш мумкин. Ишлаб чиқарилган минерал ўғитларга республикамизда ва хорижда талаб юқори.

Минерал ўғитлар экспорти

Экспорт бўйича анъанавий савдо бозорлари Ўрта Осиё (Қозогистон, Туркманистон), Марказий Осиё (Афғонистон), Украина, Белоруссия, Молдова, айрим Европа давлатлари (Болгария, Венгрия, Руминия) республикаларидир. Экспортнинг бундай чекланган географияси, биринчи навбатда нарх жиҳатидан кулагай транспорт шароитлари, потенциал истеъмолчилар яқинида ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Логистика муаммолари туфайли ўғитларни бошқа минтақаларга экспорт қилиш камдан кам ҳолларда амалга оширилади ва бу одатда ҳалқаро иқтисодиётдаги инқироз ҳодисалари, ўғитларни истеъмол қилувчи мамлакатларнинг божхона қонунчилигидаги ўзгаришлар ва бошқалар билан боғлиқ.

Янги бозорларга чиқиши, уларда ўз ўрнини эгаллаш, истеъмолчилар ишончига эга бўлиш ҳамда янги мижозлар ортириш учун корхонада ҳалқаро талабларга жавоб бера оладиган ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001 сонли сифат, атроф муҳит хавфсизлиги, саломатликни ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш интеграцияланган тизими жорий қилинган. Корхона маҳсулотлари тўлиқ сертификатланган, синов лабораториялари ва метрология бўйича ўлчов лабораторияси ISO 17025 талабларига мувофиқлиги бўйича аккредитация қилинган.

Минерал ўғитларнинг янги бозорларида ўз ўрнини эгаллаш учун корхона баъзи истеъмолчиларга сотиб олувчи мамлакат ҳудудида ўз номидан ҳаракат қилиш хукукини ҳам беради.

Масалан Украина, Грузия, Туркманистан бозорлари шу йул билан очилган эди.

«Аммофос-Максам» АЖда ишлаб чиқарилаётган ўғитларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қўйидагиларга доимий амал қилинади:

экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг сифати меёрий хужжатлар (ГОСТ, ТУ, мувофиқлик сертификати, хавфсизлиги ва бошқалар) га тўлиқ мос келиши керак;

ишлаб чиқарилган ўғитларнинг таннархини пасайтириш бўйича доимий иш олиб бориш;

жаҳон минерал ўғитлар бозорида нархлар ўзгариши бўйича доимий мониторинг олиб бориш;

экспорт шартномаларида кўзда тутилган барча шартларни ўз вактида ва тўғри бажариш;

Корхона мутахассислари томонидан доимий равишда минерал ўғитлар бозорида маркетинг тадқиқотларини олиб борилади. Маркетинг ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида корхона худудида узлуксиз интернет тармоғи ишлаши таъминланган ва мунтазам янгиланиб турилади, «Узкимёимпекс» МЧЖ билан доимий ахборот алмашиб тизими йўлга қўйилган, ўғитларни доимий харид қилишдан манфаатдор бўлган хорижий компаниялар тўғрисидаги маълумотлар базаси яратилган.

«Fertilizer Week», «Fertecon», «FMB Price Guide» каби минерал ўғитлар сотиш бўйича ахборот манбалари мунтазам равишда кузатиб борилади, экспорт шартномалари тузиш масалалари юзасидан хорижий компаниялар билан ёзишмалар олиб борилади.

Корхона мутахассислари ишлаб чиқарилган минерал ўғитларни реклама қилиш мақсадида республика ва хорижда ўtkaziladigan xalqaro kurgazmalar va yarmarkalarning doimiy iştirokchilariidir.

Корхонанинг интернет веб-сайти яратилган, ва бу сайтда экспорт қилинадиган товарлар, кўрсатиладиган хизмат турлари тафсилотлари мунтазам тўлдирилиб, янгиланиб турилади.

2. 2021 йил 9 ойининг якуний кўрсаткичлари

2.1 Ишлаб чиқариш-техник кўрсаткичлар

2021 йил 9 ои давомида 729 252 млн. сўмлик микдорда товар маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлиб, бизнес-режа кўрсаткичлари 101.3% бажарилди. (режа бўйича 719 882 млн. сўм).

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръати – 107.0 % ни ташкил этди.

Ҳисобот даври мобайнида 106,85 минг тонна соғ ҳолда минерал ўғитлар ишлаб чиқилди (100 % озукавий модда хисобида), жумладан:

- фосфорли ўғитлари – 83,8 минг тонна,
- азотли ўғитлар – 23,05 минг тонна.

Физик ҳолда ҳисобот даврида 197,72 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилган, режа – 196,76 минг тонна (98,6 % га бажарилган). 2020 йилга нисбатан ўсиш суръати – 104,9%.

Ҳисобот даврида:

- | | | |
|-------------------|---|-----------------------------------|
| - Аммофос | – | 179,000 минг тонна; |
| - Сульфат аммоний | – | 11,000 минг тонна; |
| - АСФ | – | 7,700 минг тонна; |
| - Фоскацид | – | 0,020 минг тонна ишлаб чиқарилди. |

2021 йил 9 ои давомида ишлаб чиқариш кувватидан фойдаланиш:

- 100 % (P_2O_5) фосфорли ўғитлар бўйича – 51,4 %;
- азотли ўғитлар бўйича – 57,4 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш кувватидан фойдаланиш даражаси пастлигини технологик асбоб-ускуналарнинг техник ҳолати кескин ёмонлашганлиги ва технологик асбоб-ускуналарнинг эскирганлик даражаси 60-70% ни ташкил этиши билан тушунтириш мумкин.

2.2 Маҳсулот сотиш бозори ва унинг таркибий қисмлари

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички ва ташки истеъмол бозорларида сотиш кўзда тутилган. “Аммофос Максам” АЖ иирик фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришга

ихтисослашган корхона бўлиб, маҳсулотнинг 90% республикамизнинг ички эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган.

2.2.1 Ички бозор

Маҳсулотни ички бозорда истеъмол қилиш баланси қуидагича тақсимланади:

- 2020 йил 9 ойида «биржа савдолари» прогнози 80,058 минг тонна соф ҳолда (100% P₂O₅), биржа орқали ҳақиқатда 72,683 минг тонна соф ҳолда (100% P₂O₅) маҳсулот сотилган, жумладан:

- | | |
|-------------------|---|
| - Аммофос | - 151,967 минг тонна физик ҳолда – 69,905 минг тонна соф ҳолда; |
| - PS-Агро | - 3,484 минг тонна физик ҳолда – 1,187 минг тонна соф ҳолда; |
| - АСФ | - 7,663 минг тонна физик ҳолда – 1,573 минг тонна соф ҳолда; |
| - Сульфат аммоний | - 9,662 минг тонна физик ҳолда; |
| - Бошқалар | - 0,114 минг тонна физик ҳолда. |

2.2.2 Маҳсулот экспорти

2021 йил 9 ойида бизнес-режаси бўйича 23,5 минг тонна натурал кўринишда маҳсулот экспорт қилиниши кўзда тутилган бўлиб, шу жумладан:

- | | |
|------------|--------------------|
| - Аммофос | - 20,0 минг тонна; |
| - Супрефос | - 3,5 минг тонна; |

Ҳақиқатда жами 30,147 минг тонна маҳсулот экспорт қилинди, жумладан:

- | | |
|-------------------|----------------------|
| - Аммофос | - 29,098 минг тонна; |
| - Сульфат аммоний | - 1,085 минг тонна; |

Маҳсулот экспорти режаси 128,3 % га бажарилди.

2.3 Маҳсулот нархини белгилаш

2021 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар асосан эркин бозор нархларида биржа савдолари орқали реализация қилинган.

01.11.2021 йилдан шу кунга қадар бир тонна минерал ўғитларнинг ички бозордаги амалдаги нархлари (КҚСиз, 50 кг лик қопларга қадокланган ва темир йўл харажатлари билан бирга):

- | | |
|-------------------|------------------|
| - Аммофос | - 4 400 000 сўм; |
| - PS-Агром «В» | - 3 117 392 сўм; |
| - АСФ | - 2 730 435 сўм; |
| - Сульфат аммоний | - 1 800 000 сўм; |

Ички бозор ва экспорт нархларининг асосий таркибий қисми ишлаб чиқариш харажатлари, молиявий ва бошқарув харажатлари жамланмасидан иборат. Нархлар маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган хом ашё, материаллар, ёкилги энергетика маҳсулотларининг нархлари ўзгарганлиги асосида ўзgartирилади.

2.4 Молиявий-иктисодий кўрсаткичлар.

2021 йил 9 ойининг молиявий-иктисодий кўрсаткичлари якунига мувофиқ корхона соф фойдаси 106 293,4 млн. сўмни ташкил этди. Соф фойда олишнинг асосий факторларидан бири ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини қисқартиришдан иборат.

01.10.2021 йил ҳолатига дебитор карздорлик 93,6 млрд. сўм, шу жумладан муддати ўтган дебитор карздорлик – 6,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Кредитор карздорлик жами –

188,6 млрд. сўм, шундан муддати ўтган кредитор қарздорлик – 78,7 млрд. сўмни ташкил этди.

2.5 Маҳаллийлаштирилган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 10.03.2020 йилдаги «2020-2021 йилларда ички ва ташки бозорда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисидаги» №136 сонли қарори;

2021 йил қўйидаги маҳаллийлаштирилган маҳсулот турлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган:

- Мураккаб аммоний-сульфат-фосфат ўғити – 29 411,80 млн. сўмга 12 500 тонна;

- Донадорланган сульфат-аммоний ўғитли – 10 000 тонна, товар киймати 18 000,0 млн. сўм.

Корхонада 9 ойлик якуни бўйича 7 700 тонна 19 417,4 млн. сўмлик микдорда мураккаб аммоний сульфат-фосфат минерал ўғити ва 11 000 тонна 19 801,69 млн. сўмлик донадорланган сульфат-аммоний ўғити ишлаб чиқарилди.

2.6 Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш

Кадрларни профессионал ўқитиши режа-дастурига асосан 2021 йилнинг 9 ойи давомида корхона ўкув базаси негизида:

1. Янги ишга қабул қилинган ишчилардан жами -79 киши ўқитилган (қайта тайёрланган), режа бўйича 75 киши ўқитилиши белгиланган (105,3 %);

2. Жами 474 киши ўз малакасини оширди, режа бўйича 462 киши (102,6 %), шундан:

- корхонада ташкил этилган малака ошириш курсларида 197 та ишчи кадрлар;

- ишдан ажralган ҳолда малака ошириш институтларида ва маҳсус ўкув марказларида

- 167 та ишчи ходимлар.

-малака оширган раҳбар ва мутахассис кадрлар - жами 110 киши, режага мувофиқ 125 киши (88,0%), шундан:

- корхонада ташкил этилган малака ошириш курсларида - 68 киши;

- ишдан ажralган ҳолда малака ошириш институтларида ва маҳсус ўкув марказларида -42 киши.

3. Корхона ҳисобидан тўлов-контракт асосида жами 10 киши ўқитилди, 5 нафар талаба 2021 йилда ўз ўқишини тамомлаб, корхонага олий маълумотли мутахассис сифатида ишга келди.

Тўлов-контракт асосида кадрларни мақсадли тайёрлаш 2004 йил 10 марта тасдиқланган ”Олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларига ўқишга кириш учун абитуриентларни танлаш ва юбориш, шунингдек тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги тармоқ Низоми асосида амадга оширилади.

3 2022 ЙИЛ ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

3.1 Ишлаб чиқариш-техник кўрсаткичлар

Корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, жаҳон бозорида ракобатбардош, халқаро стандартларга жавоб бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

2022 йилга 115,0 минг тонна соф ҳолда (100 % P₂O₅) фосфорли ўғитларни ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичи белгиланган.

Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш учун қуидаги хом ашё турлари ишлатилади:

- ювиг күйдирилган фосконцентрат – МОК (26 % P₂O₅);
- аммиак, “Максам-Чирчик” АЖ»;
- ОТМК АЖ сульфат кислотаси;

Режалаштирилаётган фосфорли минерал ўғитларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё миқдори:

- фосфат уни (26% ли) – 598 442 тонна; 155 595 тонна 100 % P₂O₅;
- ОТМК АЖ сульфат кислотаси – 546 250 тонна;
- аммиак – 34 500 тонна.

Зарурий иссиқлик-энергия ресурслари миқдори:

- | | |
|----------------|----------------------------------|
| табиий газ | - 73 208,0 минг м ³ ; |
| электроэнергия | - 154 272,6 минг кВт. |

3.2 Молиявий-иктисодий кўрсаткичлар прогнози

2022 йил учун фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш прогнози – 115,0 минг тонна соф ҳолда (100 % P₂O₅) белгиланган, товар маҳсулоти миқдори 1 199 275,3 млн. сўм, шу жумладан:

- Аммофос – 115,0 минг тонна 100 % P₂O₅ – 1 199 275,3 млн. сўм;

3.3 Тайёр маҳсулот таҳсимоти ва реализацияси

2022 йилга маҳсулот сотиш прогнози қуидагича белгиланган :

- ички бозорга – 1 071 608,7 млн. сўмлик (КҚСиз) товар маҳсулоти,
- экспортга – 12 600 минг АҚШ долларида.

Жами товар маҳсулотининг 88,3% ни ички бозор истеъмолчиларининг талабини қондиришга, 11,7% маҳсулот эса ташқи истеъмол бозорига йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Ички бозорда минерал ўғитларни реализация қилиш прогнози – 104,45 минг тонна 100% P₂O₅ ни ташкил этиб, маҳсулот факат биржা савдолари орқали реализация қилиниши белгиланган, шу жумладан:

- Аммофос – 104,45 минг тонна 100 % P₂O₅ 1 071 608,7 млн. сўм;

2022 йилда жами 13,8 минг тонна соф ҳолда (100 % P₂O₅), натура кўринишида 30,0 минг тонна аммофос маҳсулотини экспорт қилиш режадаштирилган.

	Реализация ҳажми, натурада, тн	Нархи, \$	Умумий қиймати, \$
Аммофос	30 000	420	12 600 000

Минерал ўғитлар экспорти натижасида олиниши прогноз қилинган 12 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблаг, импорт шартномалари бўйича материаллар, асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ҳамда республика худудидаги корхоналардан ишлаб чиқаришда зарурий материаллар хариди учун йўналтирилиши режалаштирилган.

3.4 Ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	2021 йил кутилиши	2022 йил прогнози
Амалдаги нархларда товар маҳсулоти ҳажми	1 005 880 343	1 199 275,3
Фосфорли ўғитлар, тонна	110 000	115 000
Минерал ўғитлар-натура кўринишида, тонна	263 720	250 000
Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш (фосфорли ўғитлар)	50,6	52,9
Товар маҳсулоти харажатлари, жами:	830 853 964	1 144 166 264
- ишлаб чиқариш таннархи	710 005 373	997 229 528
- давр харажатлари, молиявий харажатлар ва фойда солиги	120 848 592	146 936 737
Маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум	1 006 673 477	1 221 926 696
Маҳсулот сотишдан олинган соф фойда	70 674 437	65 429 140

3.5 Маҳсулот нархини белгилаш

Ички бозорда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш прогнозини ҳисоблашда минерал ўғитларнинг нархларида прогнозлаштирилаётган даврда хомашё нархларининг ошиши ҳисобга олинган. Минерал ўғитларни сотиш бозор тамойиллари асосида факат биржа савдолари орқали амалга оширилади.

Ички бозорда маҳсулотларнинг ўртacha йиллик нархлари:

- Аммофос – 5 426 703 сўм, ҚҚС билан;

Рентабеллик даражаси кўтарилиши ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нархи оширилганда, сотишдан тушган маблаглар асосий воситалар сотиб олиш, автотранспорт паркини янгилаш, ишлаб чиқариш воситаларини модернизация килиш, эскирган ускуналарни юқори самарадор замонавий ускуналар билан алмаштириш имкониятини кенгайтиради.

Прогноз кўрсаткичлари хомашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларининг 01.11.2021 йил ҳолатидаги жорий нархлари асосида шакллантирилган. 2022 йил 2 яримйиллигига хомашё ва энергия ресурлари нархи ва тарифлари ошиши прогнозлаштирилмоқда, шу муносабат билан маҳсулотнинг ички бозорда сотиш бошланғич нархи ошиши ҳам кузланмоқда.

3.6 2022 йид прогноз кўрсаткичларини таъминлаш учун корхонанинг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжи тўғрисида маълумот

Корхонада жами – 411 дона вагон-цистерналар ва 5 та маневр локомотивлари мавжуд.

1 Фосфат хомашёси ташиб келтириш учун – мавжуд жами 332 та цистернанинг – 169 таси ишга яроқли ҳолда, –163 таси бузилган ҳолатда. Фосфат унини ташиб келтириш учун жами – 224 та цистерна ва 20 дона буфер талаб этилади.

2 Минерал ўғитларни ташиб учун – 79 та вагон-цистерна мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси яроқсиз ҳолатда.

3 2022 йилда 83 дона цистернани фаолият даврини узайтирувчи мукаммал-капитал таъмирлаш ҳамда 63 дона цистернани жорий таъмирлаш режалаштирилган. Цистерналарни таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий сумма – 1,9 млрд. сўм.

4 Бугунги кунга келиб корхонада – 4 дона маневр тепловозлари ишга ярокли ҳолатда, 1 дона тепловоз таъмирлаш жараёнида. Маневр тепловозларига корхона бўйича кунлик эҳтиёж – 4 та. Битта маневр тепловозини капитал таъмирлаш учун – 2,300 млрд. сўм, 4 дона тепловозни режали таъмирлаш учун жами – 3,600 млрд. сўм сарфлаш талаб этилади.

5 Фосфат хомашёси юкланганган битта маршрутнинг йўл кира харажати – 156.8 млн. сўмни, жами бир йилга 260 та маршрут ҳақи – 40.78 млрд. сўмни ташкил этади.

6 Битта юксиз (бўш, фосфат хоашёсидан бўшаган) маршрутнинг йўл кира харажати – 92.7 млн. сўмни, бир йилда эса жами 260 та маршрутга – 24.1 млрд. сўм сарфланади.

7 Аммиак ортилган битта вагоннинг юк ташиш ҳақи – 2,1 млн. сўм, йилига жами 952 дона вагон учун тўлов – 2.0 млрд. сўмни ташкил этади.

3.7 Кадрлар тайёрлаш

2022 йилда кадрларни профессионал ўқитиш режасига асосан, корхонада ходимларни тайёрлаш ўкув маркази базаси шароитларидан келиб чикиб:

1 Янги ишга қабул қилинган ишчи-хизматчилардан жами - 85 киши ўқитилиши (қайта тайёрланиши) режалаштирилмоқда;

2 Йил давомида жами 460 нафар ишчининг малакасини ошириш режалаштирилди;

3 2022 йилда 125 нафар раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш кўзда тутилган;

4 Корхона маблағлари хисобидан 13 нафар мутахассисни тўлов-контракт асосида мақсадли тайёрлаш режалаштирилди;

5 Йил давомида 80 нафар олий ўкув юрти талabalари учун корхона худудида ишлаб чиқариш амалиёти ўташга шароит яратиб берилади;

6 Жами 30 киши иккинчи мутахассисликка ўргатилади.

4 ЯНГИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, МАВЖУД ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

4.1 Инвестиция фаолияти:

«Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш»нинг 1 босқичида йилига ишлаб чиқариш қувватини 20 минг тонна 100 % озукавий модда ҳисобида ошириш.

Асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПҚ-4265 сонли 03.04.2019 йилдаги «Химия саноатини ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш тўғрисидаги» қарори.

Лойиҳа қиймати: 9,7 млн. АҚШ долл., жумладан 7,3 млн. АҚШ долл. – асбоб-ускуналар сотиб олиш, 2,4 млн. АҚШ долл. – курилиш монтаж ишлари.

Лойиҳа ПТЭО: «Ўзқимёсаноатлойиҳа» АЖ томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси ВМда №06/1-783 сон билан 22.03.2013 йилда тасдикдан ўтган, 2017 йилда лойиҳанинг смета ва молиявий-иктисодий қисмларига ўзгартиришлар киритилиб, лойиҳанинг умумий қиймати 9,7 млн. АҚШ долл.ни ташкил этди .

Кредит шартномалари:

2018 йил апрель ойида «Ўзсаноатқурилишбанк» АҚБ билан, Халқаро Тараккиёт Ассоциацияси иштирокидаги 7,3 млн. АҚШ долл. микдоридаги кредит шартномаси имзоланган.

Аkkreditiv очилиш санаси: 15.05.2018 й.

Қўлланма лойиҳа: «Ўзқимёсаноатлойиҳа» АЖ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа З босқичга бўлинган (Аммофос цехи, ЭФК цехи, градирня).

Тендер савдолари: 17.06.2016 й. дан 29.08.2017 й. гача ўтказилди (21.11.2000 й.даги №ПКМ-456 сонли ВМ нинг фармойишига биноан).

Сотиб олинган ва ўрнатилган асбоб-ускуналар тўғрисида маълумот:

- фосфорит унини етқазиб бериш дозаторлари,
- мешалкалар, пульпа насослари,
- сульфат кислота насослари,
- вентиляторлар (ВСК-16, ВСК-17),
- градирня жихозлари,
- КИПиА ускуналари,
- лентали вакуум-фильтр,
- хаво ёрдамида пульпани совитгич жихози.

Индивидуал синовдан ўтгандан сўнг ускуналарни қабул қилиш бўйича ишчи комиссия, давлат қабул комиссияси тақдим этиш учун қурилиши тугалланган бино-иншоотларнинг тайёрлиги бўйича ишчи комиссия, қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат қабул комиссияси актлари имзоланган.

4.2 Маҳаллийлаштириш программасининг бажарилиши

2021 йилда 26% ювиб куйдирилган фосконцентрат асосида 12 500 тонна миқдорда товар қиймати 29 411.8 млн. сўмлик маҳаллийлаштирилган Аммоний сульфатфосфат (АСФ) маҳсулоти ишлаб чиқариш прогнозлаштирилган.

4.3 Корхонанинг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги инновацион фаолияти:

Илмий-тадқиқот институтлари, ўқув муассасалари ва лойиҳалаштириш ташкилотлари билан ҳамкорлик:

Тузилган шартномалар:

Республиканинг инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар X ярмаркасида қуидаги шартномалар тузилди:

Ўзбекистон Республикаси ФАсининг умумий ва ноорганик химия институти билан:

- №17-04/647 юр 24.03.2017 й. «Ювиб куйдирилган концентрат(МОК-26) ни қайта ишлаш режимини созлаш бўйича илмий-техник ёрдам кўрсатиш» - шартнома қиймати 60,0 млн. сўм. Шундан 30,0 млн. сўм тўланган. ЎзРФАнинг УНХИ №110/8-170 сонли 25.02.2020 й.даги хати билан шартнома бекор килинган;

- №17-03/646 юр 24.03.2017 й. «Мураккаб суспенция кўринишидаги суспенцияланган ўғитларни олиш технологиясини ишлаб чиқиши», шартноманинг умумий қиймати 80,0 млн. сўм. 80,0 млн. сўм шартномага кўра тўланган ва шартнома ёпилган.

Республиканинг инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар XI ярмаркасида қуидаги шартномалар тузилди:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти билан:

- №361 юр 08.02.2019 й. «Янги биофосфорли минерал ўғитларни олиш технологиясини ишлаб чиқиши», шартнома қиймати 300,0 млн. сўм. Шартнома бекор қилиниш босқичида;

«Ilm-fan texnologiyaiar» илмий ишлаб чиқариш корхонаси билан:

- №630 юр 06.03.2019 й. «Марказий Қизилкўм фосконцентратини олдиндан бойитган холда экстракцияли фосфор кислотаси ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда тажриба тариқасида саноатга тадбик этиши», шартноманинг умумий қиймати 250,0 млн. сўм. Шартнома бекор қилиниш босқичида.

4.4 Рационализация ва ихтирочилик

Корхонада ихтирочилик бўйича ишларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиолар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ти қонунига мувофиқ доимий назоратда ва технологияни, маҳсулот сифатини яхшилаш, хомашё ва материаллар ҳамда иссиқлик-энергия ресурслари сарфини оптималлаштириш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини қискартиришга қаратилган.